

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 2093-ҳадис

2093/6656 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَمُوتُ

لِأَحَدٍ مِنَ الْمُسْلِمِينَ ثَلَاثَةَ مِنْ الْوَلَدِ تَمَسَّهُ النَّارُ إِلَّا تَحَلَّةَ الْقَسَمِ».

2093.6656. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Мусулмонлардан кимнингдир учта ёш боласи ўлса, унга қасамни оқлаш учунгина олов тегади», дедилар».

Изоҳ: Қасам деганда Марям сурасининг 71-оятда айтилган таъкид назарда тутилган: «Орангизда унга (яъни дўзахга) кирмайдиган ҳеч ким йўқ. Бу Роббинг ҳузуридаги кескин ҳукмдир».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

